

## Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 57-ҳадис

57-953 - عَنْ أَنَسٍ رضيَ اللَّهُ عَنْهُ [قَالَ]: (كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَعْدُو يَوْمَ الْفِطْرِ حَتَّىٰ يَأْكُلَ تَمَرَاتٍ)، وَعَنْهُ مِنْ طَرِيقٍ ثَانِ: (وَيَأْكُلُهُنَّ وَتِرَا).

57- 953. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр куни бир неча хурмо емасдан (намозгоҳга) чиқмас эдилар».

У кишига иккинчи йўлдан келишича, Анас розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни ток ердилар», деб сўзлаган».

**Изоҳ:** Фитр куни - Рамазон ҳайити куни. «Фитр» - «оғиз очиқлик» дегани. Рамазон ҳайити куни рўзадан чиқиб, илк оғиз очиқ юриладиган кун бўлгани учун шундай номланган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

